# БУРЧИ, ДАЪВАТИ



**Халқ анъаналарини ҳурмат қилиш, ёш авлодни ўз Ватанининг тарихига меҳр-муҳаббат туйғуси руҳида тарбиялаш лозим.**

(Ўзбекистон Компартияси XXI съезди материалларидан).

# ИНСОН ҚАДРИ

ХОТИРЛАШ — инсонга ҳурмат, уни абадий эъзозлаш, ҳалол ва меҳнаткаш кишиларга ҳурмат ва эҳтиром демакдир. Республикамизда ўтказилаётган Хотира куни шу жиҳатдан ғоят яхши ва ибратли тадбир бўлди.

Авлодлар қалбида эл-юрт фаровонлиги, бахт ва саодат йўлида жон фидо қилган, Октябрь революциясидан кейинги оғир йиллари меҳнат жабҳаларида фидокорлик кўрсатиб, ички душманлар билан юзма-юз курашган, она-Ватанимизни немис-босқинчиларидан халос этишда жанг қилган марду-майдонлар хотираси қалбларимизда абадул-абад сақланади.

Хўш, инсон абадийлигининг ўлчови нимада? Албатта, сунъий обрў-иззат, данғиллама уй-жой қуриш, ҳашаматли тўйлар ва маъракалар уюштириш, сохта ва сирли ҳатти-ҳаракатлар орқали ўзларини шарафлашда эмас, албатта. Балки, инсон ҳаёт мазмунини чуқур англашда, ҳалол ва халқ йўлида меҳнат қилишда ўз ўрнини топади. Ҳақиқий инсон шуҳрат орқасидан қувмайди. Меҳнат инсонни улуғлайди. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездларида шуҳратпарастларнинг жирканч башаралари рўй-рост очиб ташланди. Ҳар қандай суиистеъмолчиликларга қарши аёвсиз кураш авж олдирилди.

Ҳаётга келдингми, ёниб яша, эзгулик учун кураш! Ҳақиқий инсоний ахлоқ қонуни аслида шу. Аммо, баъзилар қалбаки йўллар билан шуҳрат орттириш йўлида бўлишади.

Орамизда шундай одамлар ҳам борки, ота-оналари тириклик пайтида оддий инсоний бурчларини, фарзандлик қарзларини бажо этишга уринмайдилар, Бироқ, ана шу мўътабар зотларнинг вафотидан сўнг қатор-қатор ҳашаматли маъракалар ўтказишади, қабрлар устига эса қимматбаҳо мармар ёдгорликлари ўрнатишади. Тирикликда олинмаган «раҳмат»нинг ўлгандан кейин кимга кераги бор?

Инсондан ҳамиша яхши хотира қолмоғи керак. Бу хотирани авайлаб-асраш марҳумнинг фарзандлари, яқин қариндошларига боғлиқ. Айни пайтда яхшилик йўлида жонини фидо қилганларни эслаш, уларнинг қабрлари атрофига гул экиш ажойиб анъана тусига кириб бораяпти. Авваламбор, инсонни қадрлашда, унинг умуминсоният йўлида қилган меҳнати ҳисобга олинади. Ҳамма ҳам ўз яқинларини хотирлаши керак. Марҳум хотираси учун албатта қимматбаҳо мармартош ўрнатиш шартмикин? Баъзан ким ўзарга бундай ишлар қилинади. Ахир, бунга бировнинг ҳоли қудрати етади, бировники эса етмайди. Одатда инсонни қадрлаш учун унинг қабри устига бир даста гул олиб бориб қўйиш ҳам ҳурмат белгисидир. Энг муҳими, қабр атрофини озода сақлаб, унинг теварагига муаттар гуллар экиб қўйишни унутмаслик керак.

ЯНА БИР муҳим масалани айтмоқчимиз. Сўнгги йилларда шаҳримизда янги-янги турар-жой районлари, хиёбонлар барпо бўлди. Аммо ана шундай чиройли жойларга қўйилган номлар киши ғашини келтиради. Бир меҳмон вокзал бекатидан таксига ўтирибди ва «Қорасув»га олиб бориб қўйинг», дебди. Такси ҳайдовчиси эса меҳмонни бошқа Қорасувга олиб бориб қўйибди. Кўрдингизми, бир шаҳарда бир неча Қорасув бор. Қорасув микрорайони Қўйлиқ томонда, яна бир Қорасув эса шаҳарнинг Луначарское шоссеси томонда. Буни қарангки, бу массивга биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи деб ном қўйилган. Наҳотки, бошқа дурустроқ ном топилмаган бўлса? Бундай номлар шаҳримизнинг ҳуснига доғ бўлиб турибди. Ана шундай жойларга атоқли ва машҳур кишиларнинг номлари берилса, халқ бу улуғ сиймоларни доим хотирлаб юради-ку.

Шаҳримиздаги қабристонлар, майдонлар, хиёбонлар обод, сўлим, зиёратгоҳ бўлиши аввало тириклар, яъни ўзимизга боғлиқ. Ҳар бир мозор ва тарихий шахслар қабри ва ёдгорликлари қаерда жойлашганига кўра район, маҳалла, мактаб, ўқув юрти, ташкилотлар оталиғида бўлмоғи зарур. Бизда инсон хотираси ҳамма нарсадан устун ва азиз.

Инсоннинг яшашидан ягона мақсади ўз халқига ҳалол, фидокорона хизмат қилиши туфайли одамлар қалбидан ва хотирасидан муносиб ўрин олишидадир. Ҳар бир инсон тириклигида ўзига хотира яратиб қолдирмоғи керак.

**Жўра САИДОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати.**

**Собиржон ОХУНЖОНОВ,**
**генерал-лейтенант, Ўзбекистон ССР граждан мудофааси штабининг бошлиғи.**

**Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**





## Авлодлар эъзози

**Аёл қўлларидаги чиннигуллар билан таъзимда. Болалар гул экиб, ҳурмат бажо этишмоқда... Уларнинг бутун жўшқин ҳаёти ҳали олдинда. Зеро, улар авлодлар ишининг давомчилари.**



**Асл инсон ҳаётда жўшиб яшайди. Унинг Ватан равнақи, авлодлар бахти-саодати йўлида қилган меҳнати асло унутилмайди. У яратган моддий ва маънавий бойликлар авлодларга мерос бўлиб қолади. Ўттизинчи йилларнинг комсомоллари қурган завод ва фабрикалар, мактаблар, боғлар, уларнинг жўшқин ҳаётини мадҳ этган шоир ва ёзувчиларнинг асарлари умумхалқ бойлигига айланган меросдир. Усмон Юсупов яратган чаманзор боғлар, Ғафур Ғулом таърифлаган йўллар, Ойбек ёзган бебаҳо асарлар яна минг йиллар оша тароватини намойиш этаверади. Бугунги кунда қўриқ очаётган, фаннинг сирли жумбоқларини ечаётган, коинотнинг бепоён кенгликларига парвоз этаётган инсон авлодлар орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда. Зотан, истиқболнинг ўзи—авлодлар давомийлигининг мевасидир.**

Т. Каримов фотолари.

**Шаҳримиз маҳаллаларида**

## Хайрли тадбир

**Акмал Икромов районидаги Усмон Юсупов номли маҳалла аҳли вафот этган ота-оналар ва фарзандлари ҳурматини муносиб хотирламоқда. Уларнинг шарафига ёдгорлик ўрнатилиб, хайрли иш бажарилди.**

**Куни кеча маҳалла аҳолиси қабристонга бориб, ҳашар ўтказди, марҳумлар дафн этилган қабрлар тозаланиб, гул кўчатлари ўтказилди. Бу ишларни бажаришда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Қобил Миржалолов сингари отахонлар бош-қош бўлиб, яхши ибрат кўрсатдилар. Маҳалладаги 236-мактаб ўқувчиларри ҳам бу ҳашарда қатнашдилар.**

**А. АҲМЕДОВ,**
маҳалла активи, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

## Тараддуд

**«Илғор» маҳалласида Хотира кунига пухта тайёргарлик кўрилди. Маҳаллада бўлиб ўтган тайёргарлик ишлари ҳақида маҳалла комитетининг раиси А. Тўлаганов қуйидагиларни сўзлаб берди:**

**— Бизнинг маҳалламизда 750 дан зиёд оила истиқомат қилади. Хотира кунини кенг миқёсда нишонлаш учун маҳалла активлари сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бораяптилар. Масалан, маҳалла аҳлининг талабига биноан яқинда маҳалланинг марказий залида очиқ йиғилиш бўлиб ўтди. Унда меҳнат ва уруш ветеранлари сўзга чиқиб Хотира кунининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.**

**30 март куни соат 10 да маҳалламизда митинг бўлиб ўтади. Унда медицина фанлари доктори С. Фахриддинов, уруш ветерани А. Холмуродов, ёзувчи Жуманиёз Жабборов ва маҳалламиз территориясида жойлашган 132-ўрта мактаб педагоглари коллективи ҳамда ўқувчилари иштирок этадилар. Митингдан кейин маҳалламиз аҳолисининг бир қисми Форобий, қолган бир қисми «Кўкча» қабристонларига бориб у ерларни тозалаб, марҳумлар қабрига гуллар қўядилар.**

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ.**

## Ибрат

**Маҳалламиз Октябрь районидаги Кўкча кўчасида жойлашган. У театр санъатимиз нинг буюк арбоби Маннон Уйғур номи билан аталади. Бу улуғ сиймонинг ўлмас ижоди маҳалламиз аҳли ва ёшларига ҳамиша ибрат бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам 9 минг кишидан иборат бўлган аҳоли ҳурматли ота-боболаримизнинг номини ҳамиша эҳтиром билан эслайди. Биз Хотира куни буюк санъаткорнинг номини фахр билан тилга оламиз.**

**Маҳалламизда Хотира кунига муносиб тайёргарлик кўрилди. Р. Одилов, Н. Раҳимов, А. Шарипов, Қ. Салимов сингари активлар бошчилигида «Кўкча» қабристонида ҳашар ўтказилиб, барча қабрлар ораста қилинади, ўриндиқлар, ёдгорликлар бўялади, гул кўчатлар ўтқазилади. Хотира куни ҳаммамиз учун ибратли ва хайрли тадбирдир. Биз бу куни вафот этган кишиларимизнинг номини тилга олиб, ҳурматини бажо келтирамиз.**

**А. ТОЛИБЖОНОВ,**
Октябрь район Маннон Уйғур номли маҳалла комитети раиси ўринбосари.

**Биз—интернационалистлармиз**

# ЎЗИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШИДА...



АГАР Адҳамжон тирик бўлганида шу йил баҳорда 20 ёшга тўлган бўларди. Афсуски, у ҳозир йўқ. Ҳаётдан эрта кўз юмди. Аммо жисман йўқ бўлса ҳам руҳан ҳамон тириклар қаторида. Азиз ота-онаси, устозлари, дўстлари, маҳалла аҳли хотирасида яшамоқда.

«Салом, Алижон Солижонов ва Муяссар опа,— дейилади Адҳамжон хизмат қилган қисмдан келган мактубда. — Биз сизнинг ўғлингизнинг жанговар дўстлари чуқур қайғу ва йўқотиш ҳисси билан шуни маълум қиламизки, 1985 йил 20 мартда Сизнинг ўғлингиз ва бизнинг жанговар дўстимиз гвардиячи кичик сержант Адҳам Алижонович Солижонов ўзининг ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, интернационал бурчини бажариб ҳалок бўлди.

Бизнинг қисмимизда хизмат қилиш даврида Адҳам Солижонов ўзини катта қалб эгаси, олийжаноб ва сезгир, ўртоқларига эътиборли инсон сифатида кўрсатди.

Ўғлингиз интернационал ва ватанпарварлик бурчини охиригача бажарди, жангчи сифатида ҳарбий қасамёдига содиқ бўлиб қолди.

Сизнинг ўғлингиз хотираси унинг жанговар дўстлари, ўртоқлари, сафдошлари қалбида абадий сақланади ва ҳарбий ҳамда интернационал бурчни бажаришнинг ажойиб намунаси бўлиб хизмат қилади».

Яқинда Тошкент шаҳар Ленин район ҳарбий комиссариати вакиллари Адҳамжон ҳарбий хизматга кетгунга қадар ишлаган, отаси Алижон Солижонов кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган Наримонов шаҳридаги 56-автокорхонада бўлиб, Адҳамжонга ўлимидан сўнг берилган Қизил Юлдуз орденини топширишди. Ленин районидаги Истиқбол маҳалласи аҳолисининг талаби билан Адҳам Солижонов туғилиб ўсган кўча унинг номи билан аталди. 213-ўрта мактабдаги пионер отрядларидан бири ҳам Адҳам Солижонов номи билан юритиляпти. Ҳозир мактаб пионер ва комсомоллари жанговар шон-шуҳрат хонасида унга бағишланган бурчак ташкил этиш ҳаракатида юришибди. Адҳамжон 1983 йилда шу мактабни тамомлаганди.

ЎША куни саҳарда жангчилар қисмдан тревога билан олиб чиқиб кетилди. Тоғ этагидаги қишлоқни босмачилар босганди. Уларга қарши афғон милицияси ходимлари жанг олиб боришаётганди. Дарҳол ёрдамга бориш зарур эди. Адҳам ҳарбий машина рулига ўтирди. У билан командири ва яна тўрт жангчи бирга эди. Кетма-кет моторлаштирилган ўқчилар ҳам етиб боришди.

Адирлик жойда жанг бўлди. Вақт зиқ эди. Озгина муддат бой берилса босмачилар янада қулайроқ жойга ўрнашиб олиши ёки йўлни чалғитиб кўздан ғойиб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бронетанк етиб келишини кутишнинг имкони бўлмади. Душманни ҳарбий автомашинада қувлаш хатарли бўлса ҳам командир таваккал йўл тутди: «Солижонов, ҳайда!» Адҳамжон газни босди. Ҳарбий машинадаги автоматчилар адир ёқалаб қора қўнғиздай ўрмалаб бораётган босмачиларга яқинлашиб қолишди. Яна бироздан кейин душманни олдидан кесиб чиқиш ва қуршаб олиш мумкин эди. Бироқ шу пайт кучли портлаш юз бериб, тоғ йўлидан елдай учиб бораётган машинани ағдариб юборди. Орқадан етиб келган моторлаштирилган ўқчилар машина кабинасидан ҳалок бўлган командирни, оғир яраланган Адҳамни суғуриб олишди... У бир ҳафта ўтгач, ҳушига келмай ҳарбий госпиталда ҳаётдан кўз юмди.

Марҳумни туғилиб ўсган юртидаги қабристонга зўр иззат-ҳурмат билан дафн этишди. Қабр устида митинг бўлди. Ҳарбий оркестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнларини ижро этди. Қабр ёнида жангчилар саф бўлиб ўтишди.

Марҳумнинг уйига ёзган, ҳозир оила учун ноёб бир ёдгорлик бўлиб қолган мактубларини кўздан кечирдик. Мактуб — қалб ойнаси дейишади. Уни ўқиб инсон ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унинг қалб кечинмаларини билиш мумкин. Адҳамжон ҳуснихат экан. Мактубида йиғлоқилик, ҳасрат-надоматдан асар йўқ. Аксинча Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажараётганлигидан мамнуният туйғуси, ота-онасига, укалари ва қариндош-уруғига меҳрибонлиги, кўп нарсани билишга интилиши шундоққина сезилиб турибди.

Адҳамжон аслида ҳам шундай эди. Ундан ҳамма рози, ҳамма миннатдор эди. Аслида бу ҳаётда энг муҳим бўлган, ҳар қандай мартаба, шон-шуҳратдан афзал турадиган инсоний чўққидир. Мана одамларнинг у ҳақдаги фикрлари.

Герман Титов номли 213-ўрта мактаб илмий бўлим мудири **О. Умаров:**

— Мактабимизни Солижоновлар сулоласига мансуб бўлган ўн бешга яқин бола ўқиб, битириб кетди. Уларнинг ҳаммаси ҳам одобли, илмга қизиққан ёшлар эди. Аммо булар орасида Адҳамжон бўлакча эди. У ниҳоятда ёқимтойлиги, қалби поклиги билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Топширилган вазифани вақтида бажаришга одатланганди. Ютуғи билан мақтаниш, манмансираш нималигини билмасди.

Ленин район ҳарбий комиссариати ходими, майор **Т. Ҳасанов:**

— Мен Адҳам Солижоновни шахсан билмайман. Аммо у кўрсатган жасорат ҳақида бирга хизмат қилган жанговар дўстлари менга гапириб беришди. Мен ҳарбий ходим сифатида бир нарсани айта олишим мумкин. Солижонов сержантлар тайёрланадиган мактабни битирмаган. Бироқ қисқа вақтда гвардиячи кичик сержант унвонига эга бўлди. Одатда армияда яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган, одамлар билан ишлай оладиган, уларни бошқара оладиган жангчиларгагина қисқа вақтда шундай унвон берилиши мумкин. Бу йигитнинг ота-онаси ажойиб фарзанд тарбиялаганликлари билан фахрланишса арзийди.

**Ё. Дадахонов,** шофёр:

—Мен Адҳамжон билан бир синфда ўқиганман ва битта маҳаллада катта бўлганман. У ўрта мактабни яхши ва аъло баҳолар билан битирди. Автокорхонада электрик бўлиб ишлаб юриб, шофёрлик курсини тамомлади. Унинг катта мақсадлари бор эди. Афғонистондан менга ёзган мактубларидан бирида ҳарбий хизматни тугаллаб боргач, албатта ТошДУнинг шарқ факультетига кириб ўқийман, деган эди.

МАНА, Адҳам Солижонов номи билан аталган кўчадамиз. 1983 йили бу кўчадан беш йигит ўрта мактабни битириб, олдинма-кетин ҳарбий хизматга жўнаб кетишди. Адҳамжоннинг кўчада қопчиғини орқалаб, маҳалладаги ўзи учун қадрдон бўлган кишилар билан йўл-йўлакай кулиб хайрлашиб кетаётгани ҳамон бу ерда кўпчиликнинг кўз ўнгида... Бугун эса у сўнгги бор 1983 йилнинг кеч кузида ўтган кўча унинг номи билан юритилаяпти.

Улуғ Ватан уруши фронтларида Истиқбол маҳалласидан 150 йигит жанг қилганди. Уларнинг юзга яқини уйига қайтиб келмади. Жасадлари Европанинг далаларида, номсиз тепаликларда, қайинлар остида қолиб кетди. Бу йигитларнинг кўпчилиги ҳам ўша пайтда Адҳамжоннинг ёшида эдилар. Улар ҳам шу кўчадан ўтиб, қадрдонлари билан кулиб хайрлашиб кетишганди.

Истиқбол маҳалла комитети маблағ тўплаб, маҳалла марказида Улуғ Ғатан урушида ҳалок бўлган йигитлар хотирасига обида ўрнатишга қарор қилди. Ҳозир қурилиш ишлари бошлаб юборилди. У шу йил 9 майда ниҳоясига етади. Бу обидага Адҳам Солижонов кўчасидан ўтиб борилади.

Дарҳақиқат, чинакам инсонлар жисман ўлсаларда, руҳан йўқ бўлиб кетмайдилар. Ўзларининг қилган ажойиб ишлари, хулқ-атворлари билан узоқ-узоқ йиллар тилларда ва дилларда яшайдилар. Шоир айтганидай:

**Умрлар бўладики,**
**тирикликда ўликдир,**
**Умрлар бўладики,**
**мангуликка тирикдир.**

**А. ЭГАМНАЗАРОВ.**

# БИР КЎЧА БОЛАЛАРИ

Машъум уруш бошланганда мен эндигина 13 ёшга тўлган эдим. Бироқ, ўзимиз яшаган Мош кўчасини жуда яхши эслайман. Назаримда у муаззам Тошкентимизнинг Киров районидаги энг кичиги эди. Унда истиқомат қиладиган кишилар бамисоли бир оила фарзандларидек аҳил ва тотув ҳаёт кечиришарди. Ҳовлиларда болалар ва қизларнинг шодон, беғубор қийқириқлари сира ҳам аримасди.

1941 йили Шурик Кухалашвили, Николай Курек ва Борис Трубачевлар ўнинчи синфни тамомлашди. Июнь ойининг бошларида уларнинг Қизил Армия сафига чақирилгани тўғрисида ҳарбий комиссариатдан чақириқ қоғози келди. Йигитларни кузатишга кўчамиздаги барча комсомоллар чиқишди. Биз эса уларга гулдасталар тақдим этдик. Йигитлар хат ёзиб туришга ваъда беришди. Бироқ йигитлардан бор-йўғи икки донагина мактуб олдик, холос. Унда улар чегарада хизмат қилишаётгани ва бу ғоятда маъқул бўлгани ҳақида ёзишган эди.

Малъун фашист босқинчиларининг Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кириши бутун орзуларимизни чил-чил қилди. Бир ойдан сўнг ака-укалар Жалол, Камол, Адҳам Олимовлар, Валентин Буров, Борис Гольштейн, Иван Добров, ака-ука Ашир ва Обил Турсуновлар, Виктор Нежний, Володя ва Костя (фамилияларини эслай олмадим)ларга ҳам ҳарбий комиссариатдан чақириқ қоғози келди. Бу навқирон йигитлар Ватан ҳимоясига жўнашганидан кейин кўчамиз ҳувиллаб қолди. Энди оқшомлари ҳеч ким қўшиқ куйламас, шодон қийқириқлар эса эшитилмасди.

Бир ой ўтмасданоқ йигитларимизнинг оталари ҳам фронтга отланишди. Фақат аёллар ва биз —ёш болалар қолдик. Ҳаммамиз душман устидан тезроқ ғалаба қозонилишини тилардик. Шу билан бирга Ғалабага оз бўлсада ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишни истардик. Дастлаб, пионерлар ва комсомоллар ёшимизни катта қилиб кўрсатиб, ҳарбий комиссариатдан бизни фронтга жўнатишларини илтимос қилдик. Албатта, бунга у ерда рад жавобини беришди. Икки ойлик курсни тугатгач, 3-разрядли токарь гувоҳномасини олдим ва заводда мустақил равишда дастгоҳда махсус мосламалар ясай бошладим. Шунингдек уларни пайвандлашни ҳам ўргандим. Кунига ўн икки-ўн олти соатлаб меҳнат қилиб, топшириқни 130— 140 фоиз бажарардик. Баъзан бетоб бўлиб қолган ёки ишга келмаганлар ўрнига кечалари ҳам қолиб ишлардик. Ҳар биримиз шонли Ғалаба кунини иложи борича тезроқ яқинлаштиришни истардик. Орзиқиб кутилган ўша Буюк Ғалаба куни ҳам келди, босқинчилар мағлуб этилди. Бироқ бу кунни кўриш ҳаммага ҳам насиб этмади.

Кўчамиздан кетган йигитларнинг ҳаммаси ҳам қайтмади. Тирик қолганлари кўкси тўла жанговар орден ва медаллар билан қадрдон гўшаларига келишди. Эндиликда мен Адҳам Олимов билан унинг синглиси Фарида Ғаффорованикида тез-тез учрашиб тураман. Уларнинг кичик укаси Анвар Олимов ҳам бор. Ҳаммамиз йиғилганимизда доимо ўша мўъжазгина Мош кўчамизни, болалик дамларимизни ёдга оламиз. Ҳар сафар ёшлигимизда зиммамизга тушган қийинчиликлар кўз ўнгимиздан ўтар экан, бугунги ёш авлодимиз ҳатто уруш сўзи нималигини асло билмасин, кўчаларида доимо болаларнинг шодон ва беғубор қийқириғи эшитилиб турсин, дея шукроналар айтамиз.

А. РЕПИНА,
Улуғ Ватан уруши меҳнат фронти иштирокчиси, меҳнат ветерани.

# УЛАР ОВОЗИНИ ТИНГЛАНГ, НАСЛЛАР!

ЁДНОМА

**Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ Коммунистик партия адабиётимиз олдига муҳим вазифаларни қўйди. Барча ижодкорларни етук бадиий асарлар яратиб, совет кишиларини ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга даъват этди. Умумсовет адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиёти ҳам уруш йилларида жиддий синовдан ўтди. Ўзбек ёзувчиларининг бир қисми мамлакат ичкарисида, бир қисми эса қалам ва қурол билан буюк мамлакатимиз озодлиги учун курашга отланди. С. Жўра, М. Бобоев, А. Раҳмат, П. Турсун, Н. Сафаров, З. Фатхуллин, И. Раҳим, М. Муҳамедов, М. Исмоилий, Шуҳрат ва Назармат каби ўнлаб ўзбек ижодкорлари оташин асарлар ёзиш билан бир қаторда фашистларга қарши мардонавор жанг қилдилар.**

**Уруш йиллари Ўзбекистон пойтахти Тошкент совет халқлари адабиёти намояндаларини жипслаштирган она масканга айланди. Улар уруш йиллари совет адабиётининг энг ёрқин асарларини шу ерда яратдилар. Алексей Толстой, Николай Погодин, Якуб Колас, Павло Тичина, Микола Бажан, Андрей Малишко, Анна Ахматоваларнинг Тошкентда яшаб ижод этиши адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги эканининг чин маънодаги амалий ифодаси эди.**

**Рус ёзувчилари билан ўзбек ижодкорлари ўртасида бу даврда вужудга келган ижодий ҳамкорлик то ҳануз ўз меваларини бериб келмоқда. Уйғуннинг Николай Погодин билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон қиличи» саҳна асари, Алексей Толстой, Микола Бажан, Павло Тичиналарнинг ўткир публицистик чиқишларини ҳурмат билан эсламоқ жоиздир.**

**Белорус шоири Якуб Коласнинг уруш йилларида босилиб чиққан «Уч оламиз», «Ер садоси» шеърий тўпламлари, шунингдек, «Қасос», «Ўрмонда куз» достонларининг ёзилиши ўша даврда халқларимиз жипслигининг ёрқин тимсоли бўлди. Унинг ижодида Ўзбекистон мавзуси ҳам алоҳида ўрин тутади. «Учувчи қўшиғи», «Чаман», «Салор», «Ўзбекистонга» сингари шеърларида улуғ дўстликнинг муқаддас ғоялари, садоқати тараннум этилади.**

**Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда яшаган совет ёзувчиларининг номи ҳозир ҳам эъзоз билан тилга олинади. Айни пайтда пойтахтимизда улар яшаган, ижод қилган уйларнинг деворларига мармарга битилган хотира сўзлари, мемориал лавҳалар ўрнатилган. Бу ёдномаларга кўзи тушган, ўқиган киши бир зум ўйга толади. Эслайди. Эслайди. Эслайди. Ўзининг яқин кишилари, азиз одамларни, ном ила ёди табаррук бўлган инсонларни эслайди. Бу мемориалларга битилган сўзлар ҳам гўёки тирикдай! «Улар овозини тингланг, насллар!» дея сўйлаётгандай...**

**Б. ВАЛИЕВ,**
А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

